

Ифтор пайтидаги дуо



19:00 / 30.04.2020 4169

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон ифтор қилсалар:

«Заҳабаз зому вабталлатил уруқу ва сабатал ажру, иншааллоҳ» («Гуноҳ кетди, томирлар ҳўлланди ва иншааллоҳ, ажр собит бўлди»), дер эдилар».

Абу Довуд ва Насайи ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ифтор пайтида қилинган дуо тўсиқсиз қабул бўлиши маълум ва машҳур. Ушбу ва ундан кейин келадиган ривоятлардаги дуолар оғиз очишда ўқиладиган дуоларидир. Улардан бирини ёдлаб олиб, оғиз очиш пайтида ўқишга одатланилса, жуда ҳам яхши бўлади.

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон ифтор қилсалар:

«Аллоҳумма! Лака сумту ва ъалаа ризқика афторту» («Аллоҳим, Сен учун рўза тутдим ва Сен берган ризқ ила ифтор қилдим»), дер эдилар».

Абу Довуд ва Тобароний ривоят қилганлар.

Тобаронийнинг лафзида:

«Бисмиллаҳ. Аллоҳумма! Лака сумту ва ъалаа ризқика афторту» («Бисмиллаҳ. Аллоҳим, Сен учун рўза тутдим ва Сен берган ризқ ила ифтор

қилдим»), дейилган.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Муъозникида ифтор қилдилар-да ва сўнгра:

«Афторо ўиндакум ас-соимуун ва акала тоъамакумул-аброру ва соллат ўалайкумул малааика» («Ўузурингизда рўзадорлар ифтор қилдилар, таомингизни яхшилар едилар ва фаришталар сизга саловот айтдилар»), дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

Шарҳ: Араб ўлкаларида Рамазондан бошқа пайтларда ҳам меҳмондорчиликнинг охирида юқорида зикр қилинган дуони ўқишга одатланишган.

Ушбу ҳадисдан аҳли фазлларни чақириб, ифтор қилиш марғуб эканлиги келиб чиқади. Чунки ансорийларнинг Авс қабиласи улуғи Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳунинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ саҳобаларни ифторга чақиритилари шунга далолат қилади. Шу билан бирга, бировнинг зиёфатида бўлган шахс унинг ҳаққига дуо қилиши кераклиги ҳам келиб чиқади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан